



Тошкент абразив комбинати ишчилари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичининг йилдан йилга ошириб бормоқда. Бу соҳада айниқса токарлар бригадаси амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир. Зухра Иброҳимова корхонанинг энг яхши токарларидан бири ҳисобланади.

МЕХНАТ БИЛАН ОБРЎ ТОПГАНЛАР

«Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллектив бугунги кунда ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажаряпти.

Корхонанинг бош метрология бўлими умумий натижаларга муносиб ҳисса қўшяпти. Мазкур бўлим икки йилдан буён социалистик мусобақада пешқадамликка эришмоқда. Бўлим ходимлари маҳсулот сифатини назоратдан ўтказиб, ундаги нуқсонларни аниқлайди. Шунингдек, улар ўлчов приборларининг ҳолатини синчиклаб назоратдан ўтказадилар.

СУРАТДА: метрология бўлимининг лаборанти А. Н. Черепанова ва инженер Т. Юсупов.



Шарҳчи сатрлари АҚШ Панамага дағдаға қилмоқда

Панамадаги «Омар Торрихос» халқаро аэропортининг кенг ва ёруғ залида АҚШга, Майамига учатган пассажирларни рўйхатга олиш тугаб қўйлаб кийган чайир бир одам ҳам навбат кутиб турар эди. Унинг ёнига икки киши келиб ҳужжатларини кўрсатишди ва орқамиздан юринг, деб буюришди. Уша апрель кунин, Курт Фредерик Мьюз гарчи пассажирлар рўйхатига киритилган бўлса ҳам, лекин «Пан-Америка» компаниясининг самолётида учиб кета олмади. Эртасига эса АҚШнинг 39 ёшли ана шу фуқароси Панама прокуратураси биносидида маҳаллий ва чет эл журналистлари ҳузурига чиқди. У Панамага қарши жосуслик ва кўпурчилик фаолиятида айбланди.

Мьюз 5 ёшдан бошлаб Панама пойтахтида яшайди. Шу ерда коллежни тугатди, ҳусусий компанияларда, асосан Америка компанияларида ишлади. У радиоэлектроника мутахассисидир, аммо унинг уйдига мусодара қилинган радиопередатчилар ва бошқа махсус техниканинг Мьюз қонуний фойдаланишга сира-сира дахли йўқ эди. Мана энди у бошини кўтармасдан, биринчи сўроқларда нимакини айтган бўлса, худди ўшаларни журналистларга ҳам сўзлаб бериляпти.

У йўл-йўриқларни АҚШ давлат департаментидан, махсус техникани эса Панама канали зонасида жойлашган АҚШ жанубий қўмондонлигининг қароргоҳидан олган. Прокуратура ходимлари журналистларга Мьюз уйдан топишган ускуналарни кўрсатишди. Шу йил 7 май кунин Панамада япни сайлов бўлиши керак, Мьюз ана шу техника ёрдамида телевидение ва радио каналлари ишига ҳалал бериши ва шу каналлар частотасида мазмунларга итотсизлик кўрсатиш ва ҳозирги ҳукуматни ағдариб ташлаш тўғрисидаги даъватларни эфирга чиқариши мўлжалланган эди. Журналистлар плёнкага ёзиб олинган «фотозвучи» сўзларини тингладилар. Буни қарангки, гўё сайлов вақтида овоз бериш натижалари сохталаштирилган эмиш, шу боисдан ҳам жамоатчилик ҳукумат тарафини олаётган миллий озолиқ уюшмасининг галлаб қилганлигига «ишонмас» эмиш. Айтaversак, бошқа гап ҳам бор, АҚШ давлат департаментида бошқа вариантни ҳам назарда тутишган эди, яъни очикдан-очик америкапараст ўта ўнг «демократик оппозиция» уюшмасининг галлаб қилиши ҳам мулкчилиги назардан четда қолмаган. Мабодо шундай бўлиб қолса, иккинчи плёнка эфирга берилган бўлур эди: ўшанда тантанавор маршлар сарасида, панамаликлар оппозицияни қўллаб-қувватлаш учун кўчаларга чиқишлари ва мазмунларга итотсизлик қилишлари лозим эди.

Мьюз қамоққа олинаётганида унинг қўйин дафтарларига ёзилган адреслар ҳам маълум бўлиб қолди. Уша хонадонларга боришганда жосуслик техникасини топишди. Бу уйлarning барчаси Панаманинг бадавлат кишилар яшайдиган районларида жойлашган эди. Ана шу районлардаги кўчаларда шу кунларда, юмшоқроқ қилиб айтганда бўлса, муталлаби гала-гоуру бўлиб турибди: «Демократик оппозиция уюшмаси» тарафдорлари жазавога тушиб «Ватанини диктатордан озод қилувчилар» учун овоз бериш ҳусусида тўрт томонга жар солмоқдалар. Сайлов кунин бу ерда қандай гаваг чиқишини тасаввур этса бўлади. Агар Американинг режаси рўйга чиқиб, радио ва телевидение каналлари орқали овоз бериш вақтида сохталаштирилганга йўл қўйилгани ҳақида бир қарашда ҳақиқатга ўхшаб кетадиган «хужжатлар» тарқатилгудек бўлса, у ҳолда... Аммо, ҳарқалай, панамаликлар ўнг кучларнинг ҳукуматга қарши ҳужумлари метод ва усуллари билан билдирди. Банкларлар, савдогарлар, бадавлат уй бекларининг ўзлари кўчага чиқишмайди. Улар қашшоқ кимсаларга доллар бериб кўчаларга чиқиб, автомобилларини ағдариб ташлашни, ўт қўйишни, деразаларни синдиришни, полициячиларга тош отишни буюрадиган ёки мактаб ўқувчиларини шу ишларга гиж-гиллайдилар.

Тасодифни қарангки, Мьюз қамоққа олингани 6 апрель кунин президент Буш Вашингтонда Панамага қарши иқтисодий, молиявий ва савдо жаҳо чораларининг амал қилиш муддатини яна бир йилга узайтириш ҳақидаги қарорга келганлигини эълон қилди. Бу жаҳо чораларини президент Рейган Панамага қарши АҚШ олиб бораётган психологик урушнинг таркибий қисми сифатида 1988 йилнинг 8 апрелида жорий этган эди. Американик савдогарлар ва корхона эгаларига Панама давлатига солиқ тўлаш тақиқланди. Панама каналидан фойдаланганлик учун Панамага қонуний асосда тўлаиши лозим бўлган пулларни ўтказиш тўхтатиб қўйилди. Бу мамлакатга нисбатан савдо имтиёзлари қўлланилмапти, Америка банкларидида Панама маблағлари «занжирбанд» қилинди. Мазмунларнинг, кейинчалик эса АҚШ Сенатининг Америкага маъқул тушмаётган Панамадаги ҳарбий раҳбарларга қарши қаттиқ чоралар қўриш ҳақидаги даъватини Америкадаги оммавий ахборот воситалари, турли реакцион ташкилотлар илб кетдилар. Панамага қарши психологик уруш шу тариқа бошланди.

Панама раҳбарияти, мамлакат жамоатчилиги АҚШнинг янги маъмурияти Панама ҳарбийларига қўйилган кўп айбларнинг тўқиб чиқарилганлиги ва баъзанлигини тушуниб олади ва ҳеч бўлмаганда, иқтисодий жаҳо чораларини бекор қилади, деб кутган эди. Аммо панамаликларнинг юртимизга нисбатан Америка сиёсати ўзгариш, деб қилган умидлари пуч бўлиб чиқди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди, албатта. Ҳозирги президент Буш, бундан икки йил аввал, яъни ҳали вице-президентлик чоғида, АҚШ ҳукумати Панаманинг миллий мудоффа кучлари бош қўмондони, генерал Норьега Америка одил судловида топшириш мақсадида ҳарбий операция ўтказиши мумкин, деб айтган эди. Қўшма Штатлар Норьега, аслида Панаманинг ватанпарвар кучларига таъъин қилиб, гўё ўзининг «миллий ҳавфсизлиги» манфаатларини ўйлаётган эмиш. Мазмундаки, асримиз пойёнга етмоқда, шундай қилиб, Панама канали тўғрисидаги шартнома муддатини ҳам тугаб борапти, шу боисдан ҳам ана шу оқналар оралиғидаги сув йўли устидан Панаманинг тўла-тўқис суверенитети тикланиши керак. 1999 йилнинг 31 декабри кунин сўнгги Америка солдати зонадан тарқ этиши лозим. Йил ўтган сайин АҚШнинг Панамага нисбатан тутган сиёсати тобора агрессив тус олмақда.

Президент Буш 6 апрель кунин жаҳо чоралари муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорини эълон қилар экан, бундан икки йил илгари бўлганидек, «ширин забонлиқ» қилди. АҚШнинг генерал Норьега ва президент Мануэл Солис Пальмага нисбатан сиёсати ўзгармай қолверди, деб таъкидлади. У АҚШ президенти мамилалар билан Панама халқи номидан гапириб, панамаликлар «мамлакатдаги маъжуд сиёсий системага ишонмай қўйдилар», деди.

АҚШнинг Панамадаги элчихонаси тайёрлаган ва чет эллик журналистлар ўртасида тарқатилган салмоқли «хужжат» ҳам мен ана шундай гапларни ўқидим. Ушбу «хужжат» Панамада инсон ҳуқуқлари борасидаги аҳоли «тахдиди» этилади. Мамлакат пойтахти ахли рисоладигудек ҳаёт кечирмоқда, боғчи «хужжат» муаллифлари эса, далил-исбот келтириб ўзларини уринтиришмайди-да, «Ялли қамоққа олишлар ҳақида» хабар бериб қўяқолишди. Оппозициядаги партияларнинг вакиллари маҳаллий телевидение орқали мунтазам равишда сайловолди ташвиқоти олиб бормоқдалар, АҚШ элчихонаси эса ана шу вакиллар учун сўз эркинлигини талаб қилмоқдалар. Хуллас, шунга ўхшаб мағзи пуч гаплар бу ҳужжатда тўлиб-тошиб ётибди.

Психологик уруш билан бир қаторда Америка канал зонасидаги ҳарбий қисмларини қўлайтирмоқда, Қўшма Штатларнинг жанубий қўмондонлиги илгоридаги мақсадидаги машқларни ўтказмоқда. Америка ҳарбий базалари кенгайтирилганлиги ва реконструкция қилинаётганлиги муносабати билан Панама мазмунлари бир неча бор норозилик билдириб, бу ишларга жанубий қўмондонлик канал зонасида 2000 йилдан кейин ҳам қоллиқар уринмоқда, деб баҳо берган эдилар.

Панамада сайлов бўладиган кун — 7 май ҳам яқинлашиб келмоқда, сайлов яқинлашгани сайин АҚШ Панама ҳукумати ва ҳарбий қўмондонлик шаънига айбловлар «селсини» ёғдириб, гўё ҳукумат ва қўмондонлик сайлов натижаларини сохталаштиришга тайёргарлик қилмоқда, деб жар солляпти. «Мьюз иши» аслида ким қаллобик қилватганини кўрсатмоқда ва АҚШ ҳамда Панамадаги ўнг кучлар сайловнинг ўзлари учун фойдали бўлмаган натижаларига рози бўлмайдилар ва мамлакатдаги сиёсий вазиятни ўзгартриш учун ҳар қандай воситалардан фойдаланишга уриниб кўрадилар, деган ҳавотирлик учун асос бўлади.

ТАСС мухбири.

Истеъмол буюмлари манзурми? ҲАР СЎМЛИК ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИГА

Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш планлари «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бажарилаётган, десанг хато бўлади. Бирлашмада йиллик, чарчат планлар утдаланмоқда. Лекин маҳсулот қўламин жуда камлик билан ошириляпти.

Партия ҳукуматининг халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш алоҳида эътибор беришти. Корхонага ҳар бир сўм иш ҳақи ҳисобига намида бир сўмлик истеъмоли моллари тайёрлаш топшириғи берилган. Шахримиздагина эмас, республикадаги иффузли корхоналардан бири бўлган бу бирлашмада эса ўтган йили ҳар бир сўм иш ҳақи ҳисобига 40 тийинлик маҳсулот тайёрланган, холос.

— Тўғри, бу борада қамқилишимиз энг — дедн бирлашма бош директори ўринбосари Б. П. Обухов, — маҳсулот тури ва қўламин оширишга ҳаракат қиламиз. Бу йил бир ярим миллион сўмлик истеъмол буюмлари тайёрлашни планлаштирганмиз.

Ҳақиқатда, ўтган йилдадан 400 минг сўмлик ишчи тайёрлашган. Албатта, бу миқдор жуда катта бир неча йилдан бери тоғора тарли нарса ишлаб чиқарилмасди. Ва тўхум соладиган чамадон ҳисобга кирди. Шунингдек, икки хил қўла қайчи ишлаб чиқарилляпти.

Ҳар қандай маҳсулотнинг чет рақиб. Ўзига бундай иқимият йўқ. Оғига боғлиқ. Унинг устига ҳам ашё индиямиз, — деб ўзини оқламакчи

асосис қўллаб жан-жарсон топилаётган бемалол юриш ҳам ярашмай-диги товарлар ишлаб чиқариш кки эмас. Бу йил тоғ солат-тўтишга мўлжалланган лавиш чўткаси яндофти тайёр-майдалатич ва ювиниш жой-жой мўлжалланган совуғ идиш-ҳўйларнинг телпидаси, боғ емир синчлар ишлаб чиқариш

лик машиналари Давлат иш-риқибидида корхоналар ўз ҳо-кедан истеъмол буюмлари га чек қўйилганга бўлди. Ишда корхоналар учун қон-ий муассаса сифатида биз-итган буюмининг технологияи иқаришга тасвия этилди.

Истеъмол буюмлари ишлаб чи-қариш мақсадида янги товарларни тезроқ иқариш, ишни жадаллаштириш учун хайрли иш бошлашлар. Бир корхона қўли тайёрлайди, иккин-чиси ишлаб чиқаради, яна бири бошқа жараёнин бажаради. Лекин ҳақимизда ўзига бўй бўлмаган, ўзига эн бўларимди, деган гап бор. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги конструкторлик ишлари билан ўралашиб, ишлаб чиқаришни эсдан чиқаришлари керак эмас. Юқорида ишлаб чиқарилиши режалаштирилган халқ кутиб турган буюмларни санаб ўтдик. Улар тайёр-ланган савдога чиқарилаётган товарлар қаторига ўтиши шарт. Бунинг учун жадал ҳаракат, амалий ишга нафи тегадиган ҳаракат керак. Токи байроқдор бирлашма бу борада ҳам илгор корхоналар қаторидан ўрин олсин.

С. ШАМСИДИНОВ.

Озиқ-овқат программаси бўғинлари

Ишни охирига етказиш керак

Тошкентдаги манзаралик ботаник совхоз коллективия ўз йилининг январь ойида ўз жамъини хўжалигини ташкил этган эди. Озиқ-овқат программаси талабларини бажариш соҳасидаги тадбирларни қадим йили кел-гусида яндола тараққий эт-иши мумкин. Бугунги кунда совхозда 650 киши меҳнат қилади. Улар шахримиз таш-килотларининг хўшманзара дарахтлар, ажойиб гул кў-чатлари билан таъминлайди-лар. Бир қарашда мазкур совхоз аллақачон ўз хўжали-гига эга бўлиши керакдек туюлади. Тошкент шаҳар партия комитетининг II пле-нумида аҳолининг зарур ма-ҳсулотлар билан таъминлаш ва ёрдамчи хўжаликлар иши-га алоҳида эътибор қаратиш-нинг нечоғли мўҳимлиги ҳақида гап кетди. Шундай экан, совхоз ишчилари томо-нидан ташкил этилган ёр-дамчи хўжалик келгусида гуш маҳсулотлари билан таъминлашни йўлга қўйса ажаб эмас. Бугунги кунда Чоштепа атрофидаги тўдай-зордан ажратилган 2 гектар майдонда инсон меҳнатининг

Киров район озиқ-овқат савдо-ишдораси директори Т. УЛМАСОВ:

— «Тошкент оқшоми» газе-тасида босилган танқидий ма-қола торг ходимларининг иш-лаб чиқариш кенгашида мухо-кама этилди. Унда ҳўжалик ҳисоби асосида ишлаётган бар-ча бирлашмаларнинг дирек-торлари катнашдилар. Шунинг-дек, № 66 «Тошкент» гастро-ном коллективни ўртасида ҳам мухокама этилди. Шу гастро-ном директори ва директори ўринбосари К. Раҳматов ва А. Комиловлар беҳуда наваблар-ни бартараф этиш ва савдода тегишлича тартиб-интизом ўр-натишда сўхтаклик қилганли-клари ва тегишли чоралар кўрмганликлари учун қаттиқ оғохлантирилдилар. Айни пайтда шунинг ҳам маълум қи-ламини, гастронорм атрофида жойлашган барча ташкилотлар, муассасалар соат 12 дан 15 га қадар тушлик қилишадн. Меҳнаткашлар ва хизматчилар-га қўлай шароит яратиш мақ-

садида эса район иқроия но-митети билан келишилган ҳол-да гастронормнинг тушлик та-наффуси соат 15 дан 16 гача белгиланганди.

Бундан ташқари гастронорм раҳбарлари зиммасига беҳуда навабларни йўқотиш, совет савдоси қондаларини бузиш-нинг ҳар қандай ҳолларига барҳам бериш, савдо-сотик моёбинда харидорларга ҳар томонлама қўлайлик яратиш вазифаси қўйилган.

Чилонзор район озиқ-овқат савдосишдораси директори М. МАКИДОВ:

— «Савдога тушлик керак-ми?» танқидий мақоласида «Олмазор» универсамми ва 17-магазинидаги нуқсонлар жуда тўғри кўрсатиб берилган. Ма-газини муҳимлиги ва ишора хо-димлари ишларида кенгай-тирилган йилларида мазкур мақола мухокама қилинди ва унда қайд этиб ўтилган нуқ-сонларга барҳам бериш юзаси-дан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Илгариги мавзуга қайтамиз ХАВАСКОРЛАР ЎЗБОШИМЧАЛИГИ

Сиз кўриб турган ушбу суратлар республикамиз пойтахтида табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қи-лишга ҳамон отарли эътибор бе-рилмаётганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Ўтган йили газе-тасида бу тўғрида бир неча бор, хусусан шахримиздаги анҳор ва каналларнинг суви айрим киши-ларнинг масъулиятсизликлари оқибатида ахлатга тўлиб оқаётган-лиги танқид қилинганди.

Афсуски, она-табиатга нисбатан бу жинояткорона муносабат ҳа-мон давом этмоқда. Фотокаме-ранинг одил объектив бу сафар Бўржар канали бўйидаги ноҳуш-ликларни суратга туширди. Канал бўйидаги дерахтзорини пайқон-қилиб, у ерни ахлатхонага айлан-тириб, энди ўзларига гаражлар қўриб олаётган Чилонзор район автохаваскорлар жамияти аъзо-лари ҳақиқий ўзбилармончиликка етиб боришлар. Район иқроия комитетидаги масъул ходимлар эса улар олиб бораётган қури-лиш ишларини назорат қилишни ҳатто ёдларидан чиқариб юбор-ган эканлар. Бу бебошлиқдан фойдаланган Н. Е. Павловский эса аҳолидан 400 сўмдан пул йиғиб олиб, қурилишни жадал-лаштириб юборган. «Агар керак бўлса, биз у ерни бўшатиб бера-миз», дейди у. Лекин табиатга, атроф-муҳитга кесилган 30—40 йиллик дерахтларини, каналга тў-килган юзлаб тонна тупроқни асл ҳолига қайтариб бўларми-кин! Бу саволга Чилонзор район иқроия комитетидаги мутасадди ўртоқлар нима деб жавоб бери-шаркин!

М. НАЗАРОВ,
Автор фотолари.

Олимлар ҳамкорлиги

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси-нинг полимерлар хи-мияси ва физикаси институтида Америка «Миллипор уотерс» фирмасининг кўргаз-ма-семинари бўлди.

Фирма вакиллари семинар қатнашчилар-нинг дори-дармонлар олишда, полимерларни анализ қилишда, био-логия ва биотехноло-гияда фойдаланила-диган суюқ хромато-графия соҳасидаги энг янги ишланмалари ва ютуқлари билан та-ништирдилар.

— Тошкентдаги уч-рашувимиз Ўзбекистон олимлари билан ҳам-корлигимизнинг бош-ланishiдир, — дейди фирманинг СССРдаги бўлими раҳбари Мачей Едрашак. — Респу-блика илмий муассаса-ларида олиб борилаёт-ган тадқиқотларнинг йўналишлари бизнинг маълумотлар банк-мизга киритилди. Биз ҳам ютуқларимизни ўртоқлашишга тайёр-миз.

Ўзбекистон фанлар академияси хромато-графия илмий маркази билан Америка фирма-си ўртасида илмий-тех-никавий ҳамкорлик ис-тиқболлари муҳокама қилинди, — деб хабар беради ЎзТАГ мух-бири.

